



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ДАСТУРДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ ҚУНТ БИЛАН, ИЛМ БИЛАН, АҚЛ БИЛАН БАЖАРСА, КЕСКИН ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10 февраль куни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили” Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масалалари юзасидан вице-селектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили” деб эълон қилинган эди. Шу борада тайёрланган дастур лойиҳаси умум-халқ муҳокамасига қўйилиб, 2 мингдан зиёд тақлифлар, фикр-мулоҳазалар олинди, улар асосида қайта ишланиб, янада бойитилди.

Ушбу такомиллашган Давлат дастури Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги фармониغا мувофиқ қабул қилинди. Унда 273 та банд бор. Бу чора-тадбирларни бажариш учун қарийб 30 триллион сўм, 2 миллиард 600 миллион АҚШ доллари ва 57 миллион евродан зиёд маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Умумлаштириб айтганда, Давлат дастурининг асосий мақсади — ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, иқтисодийetni ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини оширишга қаратилган.

— Бу дастурни ҳануз давом этаётган пандемия шароитида, глобал инқироз кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда амалга оширишимизга тўғри келади. Ҳар қанча қийин бўлмасин, 500 минг нафар ёш ва 200 минг аёлни иш билан таъминлаш ҳамда 300 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш лозим. Агар “маҳаллабай” тизимни жойига қўйиб, давлат идоралари дастурдаги вазифаларни қунт билан, илм билан, ақл билан бажарса, кескин ўзгариш бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу билан бирга, ривожланишдан ортада қолётган 33 та туман ва оғир аҳволдаги 970 та маҳалланинг йўли, ичимлик суви ва электр таъминоти, ирригация тармоғини яхшилаш, тиббиёт ва таълим тизимидаги ислохотларни энг узок қишлоқларга етказиш зарурлиги қайд этилди.

Бунинг учун Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва тармок раҳбарлари, ҳокимлар ва сектор бошлиқлари дастур ижросини туман ва маҳаллага тушиб ташкил этиши, ресурслардан оқилона фойдаланиб, тартиб-интизом билан қаттиқ меҳнат қилиши талаб этилади.

— Раҳбар кўп, масъуллар кўп, лекин халқнинг дарди билан шуғулланадиган одам йўқ. Ҳамма қарорларни бажарса бўлади. Энг катта камчилик — назорат йўқ, вазирлар, ҳокимлар ўзини қийнамайди, — деди Президент.

Вице-селектор йиғилишида Давлат дастуридаги иккита катта йўналиш — иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларга оид вазифалар ҳақида сўз борди.

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили” Давлат дастурида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича 113 та чора-тадбир белгиланган. Бунда энг катта эътибор янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган.

Хусусан, ўз ишини бошламоқчи бўлганларга 7 миллион сўмга субсидия, касбга ўқимоқчи бўлган эҳтиёжманд аҳолига 1 миллион сўмдан компенсация берилиши кўзда тутилган.

Мутасаддиларга ушбу маблағларни ажратиш тартибини тасдиқлаб, тезроқ амалиётга киритиш бўйича кўрсатма берилди. Бу орқали биринчи

ярим йилликда 10 минг нафар, йил якунигача жами 20 минг нафар аҳолини иш билан таъминлаш мумкин.

Маълумки, деҳқончилик билан шуғулланишни истаган ёшларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер ажратиш бошланди. Давлатимиз раҳбари бу жараёнда адолат ва ҳалоллик бош мезон бўлиши, жамоатчилик фикри инobatга олиниши зарурлигини таъкидлади.

Оилавий тадбиркорлик учун ажратиладиган 6 триллион сўмлик кредит маблағларини самарали йўналтириш, ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, тадбиркорлик салоҳиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Жорий йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 226 та йирик sanoat ва инфратузилма объектларини ишга тушириш белгиланган. Давлатимиз раҳбари бу борадаги барча жараёнларни доимий мониторинг қилиб бориб, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 22 та йирик зиёрат объекти атрофини ободонлаштириш ва инфратузилмасини яхшилаш режалаштирилган. Шунингдек, авиаташувчиларга ички туризм йўналишларидаги авиачипта нархининг 25 фоизини, туроператорларга ҳаво ва темир йўл чипталари нархининг 15 фоизини ҳамда меҳмонхона хизматлари нархининг 10 фоизини қайтариш тартиби жорий этилади. Ушбу янги механизмлар орқали жорий йилда 1,7 миллион нафар хорижий ҳамда 7,5 миллион нафар ички туристларни жалб қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Давлат дастурида белгиланган бунёдкорлик ишлари кўлами ҳам кенг. Жумладан, йил якунига қадар 10 минг километрдан ортиқ ички ва қишлоқ йўллари таъмирлаш, 15 минг километр электр тармоқлари ҳамда 4 мингта трансформаторни янгилаш, 700 дан ортиқ аҳоли пунктига тоза ичимлик суви етказиш вазифаси белгиланган. Шаҳарларда 21 мингта, қишлоқларда 8 минг 800 та ўй-жойлар барпо қилиш режалаштирилган.

Йиғилишда ушбу чора-тадбирлар ҳудудлар кесимида муҳокама қилиниб, мутасаддиларга қўшимча кўрсатмалар берилди. Коммунал хизматлар тизимини янада яхшилаш, кўп қаватли ўй-жой фондини ва лифтларни таъмирлаш, кўп-риқларни реконструкция қилиб, кадастрини яратиш зарурлиги таъкидланди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари жойлардаги “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, шакллантирилиши ҳамда маҳаллий кенгашларга киритилиши белгиланди.

Жорий йилда жами 320 минг гектар янги ерларни қайта фойдаланишга киритиш ҳамда уларга экинларни оқилона жойлаштириш, насос станцияларини реконструкция қилиш ва сувни тежаш бўйича топшириқлар берилди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида гўшт, сут, тухум ва балик маҳсулотларини кўпайтириш, бунинг учун жорий йилда қиймати 6 триллион сўмлик 1 минг 500 та янги лойиҳани ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлат дастурида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тиббиёт, таълим ҳамда бошқа гуманитар соҳаларни ривожлантиришга қаратилган 93 та банд бор. Вице-селектор йиғилишида уларнинг энг муҳимларига тўхталиб ўтилиб, ижросини таъминлаш чоралари белгиланди.

Болаларни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм ажратиш, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари грантларини жалб қилиш бўйича кўрсатма берилди. Жорий йил 1 сентябрга қадар меҳрибонлик ўйларининг муҳтож битирувчиларини ўй-жой билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Яна бир қўлайлик — бу йил 1 июндан бошлаб, пенсия тайинлашда 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажини шахсининг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосида, тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисоблаш тартиби жорий этилмоқда. Бунинг натижасида, йил якунига қадар 100 минг, келгуси йилда яна 200 минг фуқаро ортиқча сарсон бўлмай пенсия олиш имкониятига эга бўлади.

Жорий йилда бюджет ҳисобидан 22 та болалар боччаси ва 31 та янги мактаб қуриш, ҳар бир туманда физика фанига ихтисослашган биттадан мактаб ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳоли саломатлиги ҳақида сўз борар экан, коронавирусга қарши эмлаш бошланиши айтилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигига биринчи навбатда эмланиши зарур бўлган аҳоли тоифасини белгилаб, электрон рўйхатини шакллантириш, оилавий поликлиника ва қишлоқ шифокорлик пунктларидаги 3 мингдан зиёд эмлаш бўлимлари ва қўшимча 800 та мобил бригада ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Маданият марказлари, музейлар ва театр биноларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Давлат дастуридан асосий мақсад қоғоз ёки ҳисобот эмас, балки амалий натижаларга эришиш, одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилиш. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз фаолиятида натижа кўрсатиши зарур ва шарт, — дея таъкидлади Президент.

Йиғилишда вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашлари Давлат дастурини ўз ҳудудда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши, Адлия вазирлиги дастурининг ҳар бир банди ижроси бўйича “туманбай” назорат ўрнатиши зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда дастур ижросини танқидий муҳокама қилиб, вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишига қўмақлашди. Олий Мажлис палаталари ҳар чорақда Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиш ҳамда бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар беради.

Вице-селектор йиғилишида Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар Давлат дастури ижросини ташкил этиш режалари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 февраль куни Афғонистон Ислom Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президент Ашраф Ғани давлатимиз раҳбарига Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклаш масалаларида кўрсатилаётган ҳар томонлама қўмак учун биродар Афғонистон халқи номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ҳамда етакчи халқаро молиявий институтларнинг юқори даражадаги вакиллари иштирокида ўтган Трансафғон транспорт йўлагини қуриш лойиҳасини илгари суриш бўйича уч томонлама ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши муваффақиятли бўлганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ушбу лойиҳани амалга оширишни, жумладан, техник ҳужжатларни тайёрлашни ва қурилиш ишларини бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар саъй-ҳаракатларни бирлаштириб, янги “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш линиясини барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштиришга келишиб олдилар. Шу мақсадда режалаштирилган ишларнинг бажарилишини мувофиқлаштиришнинг

икки томонлама механизми яратилади, унинг доирасида ҳар ой видеоанжуманлар ўтказиб борилади.

Шунингдек, кўп қиррали Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларини, жумладан, нефть-газ тармоғи, таълим соҳаси, техник ихтисосликлар бўйича малакали афғонистонлик кадрларни тайёрлаш борасида кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб жорий йил март ойида Ҳирот шаҳрида ўтказиладиган байрам тадбирларида Ўзбекистон делегацияси иштирок этиши юзасидан келишувга эришилди.

Бўлажақ олий ва юқори даражадаги тадбирлар ва мулоқотлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар “Йўл харитаси” ва устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиш ва самарали илгари суриш мақсадида қўшма ҳукумат гуруҳини шакллантириш топширигини бердилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон етакчиларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очиқ, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги беш йилда замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назорат қилиш ва ижрони текшириш шаклларини тақомиллаштириш, талабчанликни кучайтириш борасида амалга оширилган муайян ишлар ва давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда ҳудудлар ҳокимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар мураккаб шароитларда давлат қурилишининг серқирра вазифаларини амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш таъминлаш, республикани барқарор ҳамда жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, танқидий таҳлиллар ижро интизоми самарасиз даражада эканлигидан dalolat берадиган қўллаб ҳолатлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, биринчи — киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари етарлича

иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмапти; иккинчи — давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкилий ҳамда назорат фаолиятининг шакллари ва услублари тақомиллаштирилмаган; учинчи — қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмуну ва аҳамияти мансабдор шахслар томонидан етарли даражада ўрганилмапти, шунингдек, ушбу ҳужжатларни, айниқса, аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар мавжуд эмас; тўртинчи — шахсий сўров ва қатъий талабчанлик ўрнига қўллаб маълумотномалар ва маълумотлар тўпланмоқда, шунингдек, масъулиятсиз раҳбарлар, бошқарувнинг ўрта ва қуйи бўликлари мутахассисларига нисбатан либерал муносабатда бўлимоқда.

Давоми 2-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

КЛАСТЕР —

тадбиркорликни ривожлантириш локомотиви



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор



Кластер сўзи инглизча бўлиб, “тўп-лам” маъносини англатади. Унда бир неча мустақил компания маҳсулот ишлаб чиқариш учун ихтиёрий равишда бирлашади. Масалан, пахта sanoatида фермер хўжалиги, пахта заводи, тўқимачилик корхонаси ва

бошқа ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда фаолият юритади. Улар жамoa бўлиб, ерни шудгор қилиш, чигит экиш, ғўза парвариллаш, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш, хомашедан тайёр маҳсулот олишгача бўлган жараёнда иштирок этади.

Бунда барча корхона ва ишчининг манфаатлари уйғунлашади. Яъни хомашё етиштирувдан тортиб уни қайта ишловчиларгача бўлган барча ишчи-ходим маҳсулот сифатига масъул ва жавобгар саналади.

Давоми 3-бетда

“Янги ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг асосий йўналишлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча расмий тиллари — араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тилларида chop этилди ҳамда Ташкилот Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Ҳужжатда Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлари, республикада иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган тўб ислохотлар ва яқин истиқболдаги долзарб вазифалар ўз ифодасини топган.

Ўтган йили мамлакатни барқарор ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалар ижроси глобал коронавирус пандемиясига қарши курашиш билан бир вақтда таъминлангани қайд этилган. Пандемиянинг дастлабки кунлариданок бошқарув тизими ва тиббиёт муассасалари фақулподда ҳолатга келтирилган. Қисқа вақт ичида республикада қарийб 30 минг ўринли тиббий масканлар ташкил этилиб, зарур дори-дармонлар, замонавий ҳимоя ва диагностика воситалари билан таъминланган.

Давоми 3-бетда



БУГУННИНГ ГАПИ

КЛАСТЕР

тадбиркорликни ривожлантириш локомотиви



Бошланиши 1-бетда

Чунки тайёр маҳсулотни сотишдан пайдо бўладиган қўшимча қийматнинг бир қисми шу ишга бош қўшганларга тақсимланади. Бундай рағбат уларни ҳужажурсинга ёхуд мендан кетгунча сенга етгунча қабилади эмас, балки сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Кластер тизими ҳам иқтисодий самарадорлик, ҳам манфаатдорлик жиҳатидан ажралиб туради.

Энг муҳими, кластер усулида маъмурий эмас, иқтисодий омил асосий ўринга чиқади. Чунки фермер мулкнинг ҳақиқий эгаси эмас эди. Қандай вапн экиш, қачон ишлов бериш, қанча ўғит солиш — буларнинг ҳаммаси дағдага, буйруқбозлик, бир сўз билан айтганда, бюрократия асосида бошқарила эди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 13 октябрь куни Сирдарё вилояти Оқолтин туманида агрокластерлар раҳбарлари билан бўлиб ўтган суҳбатда: “Қишлоқ ҳўжалигининг барча йўналишларидаги кластерлар жойларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши керак” ҳамда “...кластер тизими — бу манфаатдорлик, соҳага илм-фан ва инновациянинг кириб келиши, қишлоқ ҳўжалигининг келажаги ва рақобатбардор бўлиши демекдир”, дея таъкидлади. Қишлоқда кластер тизими аграр иқтисодиётнинг “асосий ўсиш нуқтаси” сифатида белгиланди. Бу янги йўналиш қишлоқ ҳўжалигига саноатни олиб кириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, қўшилган қиймат ҳажмини кўпайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Авваллари маҳсулот ишлаб чиқариш учун моддий ресурслар етишмас, сув таъминотидаги узилтишлар, кредит олишдаги тўсиқлар, замонавий ускуна ва техникани четдан олиб келишда миллий валютамизни конвертация қилиш билан боғлиқ муаммолар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда катта қийинчилик туғдиради, қўғозбозлик, сансалорлик, коррупция, халқона ибора билан айтганда, отанга бор, онанга бор қабилади иш журитилар эди.

Бугун тадбиркорлар учун янги, қулай ва катта имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Хусусан, соҳага оид тегишли қарорларга биноан сув солиғи 50 фоиз қисқартирилди, табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти 100 фоиздан 30 фоизга туширилди, олинган кредит фоизларини тўлаш муддатлари узайтирилди.

Бинобарин, қишлоқ ҳўжалиги, айниқса, пахтачилик тармоғи қанчалик саноатлашса, давлатнинг экспорт салоҳияти шунчалик ортади, халқнинг турмуш фаровонлиғи юксалади.

Бухородаги “BCT Cluster” пахта-тўқимачилик корхонаси мамлакатимиздаги энг тўғич кластерлардан бири ҳисобланади. У давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги қарорига асосан ташкил этилган.

Оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, бугунги кунда мазкур кластер пахта етиштиришдан тортиб то охириги маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча технологик жараёни ўзида мужассам этган. Ромитан тумани худудида 8 минг гектар майдонда пахта етиштирилади. “Bukhara Cotton Textile” корхонаси ушбу ишлар чиқариш заңжирининг охириги халқаси ҳисобланади. Уни ташкил этиш учун 65 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция йўналтирилган. Корхонада 1 500 нафар, кластер билан қўшиб ҳисоблаганда 6 минг нафар ишчи-ҳодим фаолият юритмоқда.

Иқтисодий самарадорлик шундаки, дунё бозорида 1 килограмм топа қиймати хомашё сифатида 1,5 доллар бўлса, тайёр қийм кўринишида сотилганда камиди 25 долларга айланади.

Пандемия авж олган 2020 йилда “BCT Cluster” пахта-тўқимачилик кластери 8,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди. Бу, албатта, дастлабки қадам. Ушбу кластер ўз тайёр маҳсулотларини сотиш мақсадида мамлакатимиз элчиҳоналари кўмағида бошқа давлатларда савдо нуқталари очилиши режалаштирган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, пировардида йилгига ўртача 50-60 миллион доллар миқдорида валюта тушумига эришиш мумкин.

Президентимиз кластер тизими билан боғлиқ кўзланган ижтимоий-иқтисодий натижадорликни таъминлашда, айниқса, ёшларимиздан умиди катта эканлини деярли ҳар бир мурожаат ва чиқишида бот-бот таъкидламоқда, уларни бунга даъват қилмоқда. Шу боис, ёшларни касбга йўналтириш, тадбиркорликка ўқитиш, бизнес ва ҳўнармандликка кенг йўл очиш, барча чоралар билан бандликни ошириш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилмоқда.

Шу ўринда соҳанинг бир қатор малакали мутахассис ва экспертларининг кластер тизимига оид фикрлари билан ҳам қизиқдик.



Муртазо РАҲМАТОВ, “BCT Cluster” хорижий корхонаси раҳбари:

— Агрокластерларни Ўзбекистон шароитида ривожлантириш энг тўғри йўл. Чунки қишлоқ ҳўжалиги учун ноқулай келган йилларда ҳам кластернинг бошқа ташкилотлари ҳисобидан умумий иш ўрни ва иш ҳақи сақлаб қолинади. Яъни табиат инжиқлигининг бизнесга, ишловчилар даромадида таъсири камайдди. Ал-машлаб экиш имконияти пайдо бўлади ва тўпроқ унумдорлиғи қайта тикланади.

Ўктам УМУРЗОҚОВ, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори:



Илҳом ҲАЙДАРОВ, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси:



— Давлат буюртмаси, унинг нархга аралашуви ҳақида ҳам ўйлаб кўриш фурсати келди, деб ҳисоблайман. Соҳада айрим камчилик ва муаммолар мавжудлиғи сир эмас. Лекин уларни икки томон фикрини эшитиш, илмий ва инновацион ёндашувлар орқали ҳал этиш мумкин.

Бизнингча, аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш билан бирга пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш, шунингдек, ҳудудларда кластерлар сонини кўпайтириш, улар учун шаффоф рақобат майдони яратиш, кластер тизимини таҳомиллаштиришга оид маҳорат дарслари, халқаро семинар, форум ва танловлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Бир сўз билан айтганда, кластер тизимини жаҳон тажрибалари асосида таҳомиллаштириш, фаоллаштириш, керак бўлса, соҳадаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ниятда муҳим.

Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга

Мурожаатномасининг асосий йўналишлари БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Бошланиши 1-бетда

Пандемияга қарши курашга 200 мингдан ортқ тиббиёт ҳодими, шунингдек, 150 нафар хорижлик юқори малакали шифокор ва мутахассис жалб этилганига эътибор қаратилган. Хорижда бўлиб турган 600 мингдан ортқ юртдошимизни мамлакатга қайтариб олиб келиш ташкил этилган. Чет давлатларда оғир шароитга тушиб қолган 100 минг нафарга яқин ватандошларга ёрдам кўрсатилган.

Давлат томонидан пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича 82 триллион сўмлик кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилган. Хусусан, инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирустга қарши курашиш чора-тадбирлари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан 16 триллион сўмдан ортқ маблағ ажратилган.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинган 2020 йилда кам таъминланган оилалар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, таълим ва бошқа зарур хизматларни кўрсатиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилганига алоҳида урғу берилган.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, жумладан, жиний ҳазо тизимини либераллаштириш жараёни изчил давом эттирилди. Натижада судланувчиларнинг 74 фоизига озодлиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилган. Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузаллиш йўлига қатъий ўтган 616 нафар фуқаро афв этилган. Судлар мустақиллигини таъминлаш натижасида 719 нафар фуқаро оқланган. Бу борада Ўзбекистон томонидан амалга оширилган “Меҳр-3” гуманитар операцияси ҳам қайд этилиб, бунинг натижасида, асосан, аёллар ва болалардан иборат яна 98 нафар юртдошимиз Суриядан мамлакатга қайтарилгани таъкидланган.

Ҳужжатда, шунингдек, республика раҳбариятининг БМТ доирасида катта қизиқиш билан қабул қилинган ва халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланган муҳим глобал ташаббуслари ҳақида ҳам маълумот берилган. Хусусан, тарихда илк бор Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзоси этиб сайланганига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилингани айтилиб, ҳукумат томонидан

мамлакатни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим қадамлар белгилангани таъкидланади.

Хусусан, жорий йилда мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирига келиб эса 75 фоизга етказиш режалаштирилган. Олис қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шаклларида фойдаланиш кенгайтирилади. ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун уй шароитида мактабгача таълим модели ишга туширилади.

Мамлакатда 10 та Президент мактаби, 197 та кимё, биология, математика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган мактаб фаолият кўрсатади. Олий таълим учун давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 100 нафар йигит-қиз илк бор бошқа давлатлардаги бакалаврият йўналишлари бўйича ўқишга юборилишига эътибор қаратилган.

Камбағалликни бартараф этиш йўналишида комплекс ёндашувлар ва янгича ностандарт усуллар жорий этилиш алоҳида таъкидланган. 2021 йил 1 мартдан бошлаб аҳолининг минимал истеъмол харажатлари эълон қилинади. Қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланувчи оилаларга ҳар бир туманининг имкониятлари ва ихтисослашувига қараб 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдони ажратилади.

Бундан ташқари, ҳужжатда 2021 йилда ўтказилиши режалаштирилаётган муҳим халқаро тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилган. Хусусан, Тошкент шаҳрида Марказий Осиё минтақасининг Жанубий Осиё билан муносабатларига доир юқори даражадаги халқаро конференция, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро анжуман, БМТ шафелигида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” глобал форуми, ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон ёшлар анжумани ва диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференция ташкил этилади.

“Дунё” АА

Нью-Йорк

МУНОСАБАТ

ТУРИЗМ РИВОЖЛАНАДИ, ФАОЛ САЙЁҲЛАР ЭСА РАҒБАТГА ЛОЙИҚ



Азизбек ФАЁЗОВ, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи

Дунёда энг тез ривожланаётган ва мамлакатлар иқтисодиётига мўмай даромад келтираётган соҳалардан бири, шубҳасиз, туризмдир. Ўзбекистонда ҳам туризм янги босқичда ривожланимоқда. Хусусан, хорижлик сайёҳларни юртимизга жалб қилиш, ички туризмни оммалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу йўлда навбатдаги амалий қадамлардан бири бўлди.

Фармонда ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш ҳамда республика ҳудудларини, шунингдек, мамлакатимизни хорижий давлатлар билан ўзаро боғловчи транспорт логистикасини таҳомиллаштиришга алоҳида урғу берилган. Унга биноан, ички туризмда бир қатор янгиликлар жорий этилади. Мақсад аҳолининг юртимиз бўйлаб саёҳат қилишини оммалаштириш, қулай шарт-шароит яратиш ҳамда рағбатлантириш тизимини йўлга қўйишдир.

Коронавирус пандемияси туризм соҳасига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Давлатимиз раҳбари 2020 йилда берилган имтиёзларни 2021 йил учун ҳам татбиқ этиш бўйича топшириқ берди. Фармонда бу ўз аксини топди: имтиёз ва преференциялар муддатлари 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилди. Бунда туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкаси белгиланган ставкага нисбатан 50 фоиз камайтирилди. Камида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича сарфланган харажатларининг 30 фоизи қайтариб берилади.

Таъкидлаш керакки, туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинади. Улар ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада 1 фоиз миқдорида тўлайди.

Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни ва Янги йил байрами ҳамда Рамазон ҳайити ва Қўрбон ҳайити диний байрамларини нишонлаш даврида қўшимча ва кўчириш ҳисобига ишланмайдиган кўнлар 3 кўндан кам бўлмаган муддатга белгиланади.

Шунингдек, аҳоли учун қулайлик яратиш назарда тутилган бўлиб, отаналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан биргаликда саёҳат қилишни назарда тутувчи 5 иш кўнидан кам бўлмаган “оилавий саёҳат таътили” тизими жорий қилинади. Бунда “оилавий саёҳат таътили” йиллик асосий таътил ҳисобидан тақдим этилади ва жамоавий шартномаларга мувофиқ иш бериувчининг розилиғи билан амалга оширилади. Бу жараёнда жамоалар орасидан 1 000 нафар саёҳат етакчиси аниқлаб олиниб, йил охирида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан шакллантирилган туристик маҳсулот билан рағбатлантирилади. Масалан, меҳмонхоналарда 2 кўн бепул дам олиши, соғломлаштириш марказларида текин муолажа олиши мумкин бўлади.

Эндиликда сайёҳлар учун “турист паспорти” жорий қилинади. Мазкур ҳужжат фуқаролик паспортига ўхшаш



бўлиб, саҳифаларида паспорт эгасининг Ўзбекистоннинг қайси моддий маданий мерос объекти, театр ва музейлар, зиёратгоҳлар ёки туризм йўналишлари бўйича объектларга саёҳат қилгани ҳақидаги маълумотлар берилади. Режамизга кўра, жорий йилнинг май-июнь ойларига қадар объектлар рўйхати тузилиб, тасдиқланади ҳамда штамп (муҳр) тайёрланади. Ҳар бир саёҳат учун “турист паспорти”га муҳр урилади. Саёҳатлар сони қанча кўп бўлса, сайёҳ шунча миқдордаги бонусга эга бўлиб боради. Бу эса муайян объектга қилинган илк саёҳатда қўлга

киритилган бонус келаси сафар бу ерга киришда енгиллик яратишига сабаб бўлади. “Турист паспорти”га эга бўлишнинг яна бир қулай жиҳати — унда объектлар рўйхати берилган бўлади, сайёҳ шунга биноан ўз йўналишини ишлаб чиқиши мумкин. Фаол сайёҳлар ҳам Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан рағбатлантирилади.

Фармонда зиёрат туризми ва транспорт логистикаси бўйича ҳам қатор кўрсатмалар берилгани, буларнинг барчаси мамлакатимиз туризм салоҳияти янада ошишига хизмат қилади.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ

Назарли НОРБОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот
институтининг бўлим бошлиғи

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ экани алоҳида таъкидланди.



Ханим Йўлдошев олган суратлар.



йинлаш, полиция фаолиятини мувофиқлаштириш, сув таъминоти, ёнғин хавфсизлиги каби хизмат кўрсатиш органларининг ҳисоботларини тинглаш киради. Ушбу амалиётни Европа Иттифоқининг бошқа давлатларида, хусусан, Польшада ҳам учратиш мумкин.

Италияда виллоятлар ва жамоалар кенгашлари виллоят ёки жамоа уставини қабул қилади, унинг ривожланишини режалаштиради, жамоат ишлари бюджетини ёки дастурларини назорат қилади, бошқа виллоятлар ёки жамоалар кенгашлари билан битимлар тузади. АҚШда вакиллик муассасалари айрим мансабдор шахсларнинг тайинланишига рухсат беради (губернаторнинг тақлифига қўра) ёки уларни мустақил равишда тайинлайди, маъмурий вакиллари ва судларга импичмент билдириш ҳуқуқига эга.

АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Нидерландия, Италия, Кипр, Португалия каби давлатларда вакиллик органлари маҳаллий бюджетни тасдиқлаши ва унинг ижроси юзасидан ҳисоботларни тинглаши амалиёти кенг йўлга қўйилган.

Европанинг кўп мамлакатларида бюджет ижроси ва давлат маблағлари сарфланиши устидан парламент назорати самарадорлигини ошириш учун минтақавий даражада ихтисослашган коллегиал орган ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бундай органлар Австрия, Бельгия, Болгария, Венгрия, Греция, Испания, Италия, Португалия, Руминия, Франция, Россия, Германияда таъсис этилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий вакиллик органлари томонидан ўзига хос бошқа назорат шакллари ҳам амалга оширилиши кузатилади. Масалан, Россияда маҳаллий вакиллик органлари ёки депутатлар депутат текширувини ўтказиш ваколатига эга.

Хорижий мамлакатларда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатла-

рини таъминлашда маҳаллий вакиллик органлари алоҳида ўринга эга. Хусусан, Европа Иттифоқи давлатлари амалиётида минтақавий вакиллик органлари томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакиллар институтини таъсис этиш йўли билан инсон ҳуқуқлари таъминланиши устидан назорат амалга оширилади. Бу амалиёт одатда федератив давлатларда қўлланилади. Бироқ охириги пайтларда номарказлаштириш сиёсати доирасида уни-тар тузилишга эга бўлган кўплаб давлатлар ҳам ушбу амалиётдан кенг фойдаланмоқда.

Европа Иттифоқи томонидан вакил институтининг маҳаллий даражада жорий этилиши бир қатор ижобий жиҳатларга эга. Масалан, узоқ вақт ва кўп маблағ талаб қиладиган суд жараёнининг олдини олиш, суд инстанциялари ва суд бўлмаган инстанциялар сонини камайтириш имконияти низо келиб чиққан тақдирда фуқароларни бошқарув органларидан ажратиш туради. Шунингдек, адолат ҳуқуқий давлат тамойилларини, озчилик ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва фуқаролар эҳтиёжларига диққат-эътиборли бўлишни таъминлайди. Бошқарув органлари фаолияти очиклигини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва бошқарув самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Президентимиз Мурожаатномасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан ҳар бир инсоннинг баҳраманд бўлишини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш борасида қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, давлат бошқаруви тизимида бир-бирини тақдорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,

бунда давлат бошқаруви ходимлари сонини оптималлаштириш чора-тадбирлари қўрилади.

Келгуси йил охирига қадар электрон давлат хизматлари турларини 60 тага кўпайтириб, уларни 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарурлиги қайд этилди. Бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлиги кучайтирилади.

Келгуси йил бошидан ҳар бир вазирлик ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида ре-

жалаштиради ва ташкил этади. Вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига жойларда давлатлари амалиётида бўлганига қараб баҳо берилади. Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ўзларининг қуйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб бориш учун масъул бўлади.

Президентимиз бу борада яна бир муҳим масалани ўртага ташлади. Яъни туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорлигини ошириш учун ходимлар сони ва машина ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажминан келиб чиқиб белгиланиш тақдирда бир қатор ижобий жиҳатларга эга. Маҳаллий ижро органлари, вакиллик идоралари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ янгича ташаббуслар илгари сурилди. Албатта, тақлиф ва тавсияларнинг барчаси жамият ривожига, халқимиз манфаатига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда миллий давлатчилик тажрибамиз ва хориждаги илгор тамойиллардан келиб чиқиб, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш борасида бир қатор тақлифларимни илгари сурмоқчи эдим. Хусусан, ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва бошқарувда бир-бирини тақдорлайдиган функциялар ва бюрократик тўсиқларни тугатиш ҳисобида давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш лозим.

Давлат бошқаруви бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини оширишга эътиборни янада кучайтириш керак. Бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини баҳолашнинг миллий рейтингини жорий қилиш соҳада очкилик ва ошқоралиқни таъминлаш, илгор тажрибаларни кенг ёйишга замин яратди.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ягона ахборот маконини яратиш, жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш соҳадаги ишларнинг натижадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда бошланган демократик ислохотлар ортага қайтмас, изчил ва тизимли жараёнга айланди. Бу борадаги хайрли ишларга муносиб улуш қўиши ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

ОДАМЛАРНИНГ ОҒИРИ ЕНГИЛ,
МУШКУЛИ ОСОН БЎЛМОҚДА

Салауатдин ХУДАЙБЕРГЕНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қорақалпоғистон Республикасидаги
Халқ қабулхонаси мудир

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ўзгаришлар, янгиланишлар, аввало, инсон манфаати, халқ розилиги ва одамларнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган. Айни жараён халқ билан юзма-юз мулоқотнинг бутунлай янги чизими ва шакли бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки қабулхона халқ ва давлат идоралари ўртасидаги мулоқотни таъминлашда мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаётти.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй-жой бериш билан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-хунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиш лозим.

Шу боис кейинги йилларда Қорақалпоғистонда аҳолини, айниқса, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида Мўйноқ, Тахтакўпир, Шуманай, Бўзатов, Эпликкальа, Қонлиқўй туманларида тикув, тўкув фабрикалари ва цехлари ишга тушди, шунингдек, чекка ҳудудларда истикомат қилувчи оилаларга субсидиялар асосида иссиқхоналар қуриб берилди.

Утган йилнинг ўзида ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланган манзилли режага киритилган 27 512 нафар ёшдан 27 322 нафари ўз иш жойига эга бўлди. Зеро, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳам Халқ қабулхонасининг эътибор марказидаги масалалардан биридир.



Шунинг учун қабулхонага мурожаат қилган ёшларнинг фикр ва тақлифлари тингланиб, уларнинг қизиқиш ҳамда қобилиятига қараб иш топиш чоралари қўрилмоқда. Ёшларнинг аксарияти тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, жамоатчилик ишлари, қурилиш ва бошқа йўналишларга жалб қилинди.

Шунингдек, ҳудудларда ўтказилган ўрганишлар натижасида 31 мингдан зиёд эҳтиёжманд оила мавжудлиги аниқланиб, улар "темир дафтар"га киритилди. Бу оилалардаги меҳнатга лаёқатли 44 минг нафарга яқин ишсиз фуқаронинг 40 минг нафардан ортиғи иш билан таъминланди. Уларнинг даромад манбаи яратилгани муносабати билан 27 минг 494 та оила "Темир дафтар"дан чиқарилди. Утган йилнинг декабрь ойида эҳтиёжманд оилаларга жами 20 миллиард сўм маблағ ажратилди. "Аёллар дафтери" ва "Ёшлар дафтери"ни шакллантириш мақсадида барча маҳаллалар кесимида хатлов ўтказилиб, ишлаш истиғида бўлган 50 064 нафар хотин-қиз ва 36 887 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш бўйича "йўл харита"лари ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг Қорақалпоғистондаги Халқ қабулхонасига ўтган йили 15 068 та масала юзасидан 13 678 нафар фуқаро мурожаат қилган. Мурожаатлар белгиланган муддатларда ўрганиб чиқилиб, уларнинг 9 196 таси қаноатлантирилди ва 4 220 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди. Алоҳида ўрганиш ва мuddат талаб қиладиган 1500 та

масала бўйича мурожаатлар назоратга олинди. Асосийси, республика миқёсида ташкил этилган сайёр қабуллар жараёнида фуқароларнинг муаммолари ижобий ҳал этилиб, одамларнинг оғри енгил, мушқули осон бўлди.

Масалан, Чимбой туманидаги 13-умумтаълим мактаби филиалида Тозажол қишлоғи аҳолиси фарзандлари ўқийди. 1980 йилда барпо этилган мактабда қишлоқ қор-қировли кўнларидан синф хоналари иссиқ бўлса-да, болалар учун етарлича шароитлар йўқ. Маҳаллий аҳолининг мурожаатлари асосида энди бу ерда янги бино қад ростламоқда, ҳадемай, ўқувчиларга замонавий шароитларда дарс ўтилади.

Тумандаги Бахтли овул фуқаролар йиғини ҳудудда Аршан қишлоғи бор. Қишлоқда туман халқ таълими бўлимига қарашли 27-умумтаълим мактаби филиали фаолият юритади. Бино эски, авария ҳолатига келиб қолган. Бундан бир неча ой олдин қишлоқ аҳолиси Халқ қабулхонасига мурожаат қилган эди. Бу мурожаат ўрганилиб, масалага ижобий ечим топилиди. Айни кўнларда янги ишоот қурилиши якунланиб, мактабни жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Аҳоли эса бундан жуда мамнун.

Қораўзак туманидаги Аллаяров Досназаров маҳалласида яшовчи Насиба Тўрдумуратова тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва бизнес гоёларни руёбга чиқариш мақсадида Халқ қабулхонасига мурожаат қилди. Мурожаат ўрганилиб, ҳудуддаги бўш турган иморат ноль харид қийматида унга фойдаланишга берилди. Яна банкдан имтиёзли кредит олишга ҳам кўмаклашилди. Энди унда нафақат тадбиркорлигини юритиш, балки қишлоқдошларини иш билан таъминлашга ҳам имконияти бор.

Яна бир мисол. Қораўзак туманининг Собир Камолов маҳалласидаги Есим канали устидан ўтадиган кўприк бундан 50 йил олдин барпо этилган. Шу ҳудуддаги Иргакчи, Сайман, Постама ва Даўитқўл қишлоқлари аҳолиси туман маркази ва Нукус шаҳрига бориш учун ушбу кўприкдан қатнайди. Ярим асрдан буюن аҳолига беминнат хизмат қилиб келган кўприк бугун таъмирга муҳтож, авария ҳолатига келиб қолган. Маҳаллий аҳоли уни таъмирлашда ёрдам сўраб туманда ташкил этилган оммавий қабулга келди. Туман ҳокими мурожаат асосида объектни ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Қисқа вақт ичида тегишли вазирлик, муассаса ва ташкилот ҳомиyliлигида кўприкни таъмирлаш ишларига киришилди.

Президентнинг Хўжайли туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятида учраётган муаммоларга ечим топиш мақсадида ҳудудларга бириктирилган сектор вакиллари билан биргаликда самарали ишлар олиб боришмоқда.

Ҳамкорлиқдаги ўрганишларда аниқланишича, тадбиркор Тимур Қўрбаниязов оиласи билан кўп вақтдан бери қулчилик соҳасида меҳнат қилиб, рўзгор тебратди. У ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида "Жанқўнгирот" маҳалласида қаровсиз ётган 2 гектардан зиёд ерни олиш ҳаракатида экан. Тадбиркорнинг бу ташаббуси тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, ушбу ер майдони ижарага бериладиган бўлди. Эндиликда тадбиркор ташландиқ жойини ўтланлардан тозалалаб, иссиқхона қуриш ниятида.

Қабулхона вакиллари билан сектор раҳбарларининг уйма-уй юриб ўрганишлари натижасида ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар аниқланиб, уларга ҳар томонлама кўмак бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Қонлиқўй тумани "Жанақала" маҳалласида истикомат қиладиган Ҳабибулла Халмуратовнинг яшаш шароити ўрганилганда, у ва турмуш ўртоғи 2-гурӯх ногирони экани маълум бўлди. Ачиқлариси, унинг 2 фарзанди бевақт оламдан ўтиб, ёлғиз боласи билан эски уйда яшаётган экан. Оилавий шароити оғир, уйи эса анча йилдан буюн таъмирталлаб ҳолга келиб қолган. Шунинг учун Халқ қабулхонасига мурожаат қилишга тўғри келган. Мурожаатдан сўнг муаммо тезда ижобий ҳал қилиб берилди.

Дарҳақиқат, халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимиз учун хизмат қилиши керак. Ўзгаришлар асосидаги эзгу ишлар қозғоғида қўлиб кетмасдан, амалда бажарилиши одамларнинг давлат идораларига, эртанги кунга бўлган ишончини оширади. Ҳақиқатан, бу гаплар муволафа ёки ортиқча дабдабозлик эмас. Аслида ҳам кейинги йилларда турли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутасаддиларининг жойларга чиқиб, халқ дарадини тинглаши, уларнинг ҳолидан хабар олаётгани одамларнинг у ёки бу муаммоси жойида ҳал бўлишига замин яратмоқда. Бир сўз билан айтганда, Президентнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонаси қорақалпоғистонликларнинг бугунги кунидан рози бўлиб, ўзгариш ва янгиланишларни, ислохотларни эртага ёки келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис қилиши учун бор куч ва имкониятини сафарбар қилган.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

МАҒЛУБИЯТ ВА МУВАФФАҚИЯТ ОРАСИДА

салоҳият ўз сўзини айтади



Ўзбекистон халқ шоири, қаҳрамон адибимиз Эркин Воҳидовнинг шахмат ҳақидаги шеърини эшитмаган ҳамюртимиз кам бўлса керак. Шеър бундай тугайди:

*...Шахмат абадийдир, шеър ҳам абадий
Юриш тугамасу сўз бўлмас тамом.
Шахмат тахтасида, шеър майдонида
Ғоялар кураши этади давом.*

Бу қадим ҳаёт фалсафаси ҳақида битилган асл шеър. Умр сўқмоқларида сира эскирмас кураш моҳияти жилоланади унда. Дарҳақиқат, яшаш — кураш, кураш эса ғоялардан қўр олади.

Президентимизнинг 2021 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу каби ҳаётий, қудратли маъно-мазмунга бойлиги билан барчамизни хурсанд қилди. Ҳаётимизга яна шахмат қайтаётгани Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўли бошидаги сазй-ҳаракатларимизга нақадар уйғун қадам эканлигини англай бошладик.

Илк қадам

Нихоят Баҳора ва Охунжоннинг соатлаб чўзилган ўйини тугаб, Нодирбекнинг гали келди. Нодирбек ўйин тугагани бетоқат кутди, энди у описига қарши дона суради. Фазлиддин ака фарзандларининг ўйинини назорат қилади, нотўғри юрса тўғрилайди, баъзан улар қўллаётган тактикадан хурсанд бўлади. Ҳали тўрт ёшга ҳам тўлмаган Нодирбек дона сураккан, отаси ўғлининг ҳаракатига қараб ўзида йўқ завқланади. Кичик ўғлидан катта умидлар қилади. Нодирбек Абдусатторов шу तरीқа шахмат оламига илк қадамини қўя бошлаган эди...

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакатиди. Ҳар бир соҳада ўзига хос истеъдодини намён қиладиган, Ватанимиз нуфузини юксалтирадиган ёшлар замини ҳамдир. Фикримизга юртимиздан етишиб чиқаётган, ҳаёт фалсафасини 64 катакли тахтага жамлаб, рақибини ўйлантириб қўяётган, мушоҳида юритишга мажбур қиладиган ёшларимиз кўплиги ҳам ёрқин мисол бўлади.

Гал шахмат ҳақида борар экан, унинг ватани Ҳиндистонни, деган савол туғилади. Аслида шахмат ватани қайси юрт?

Сўнгги илмий тадқиқотлар натижасида шахмат аслида Ўзбекистон заминидан пайдо бўлган, деган фараз илгари сурилмоқда. 1972 йили Сурхондарё вилоятида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлигида олиб берилган қазималар жараёнида эра-миздан олдинги I-II асрларга, 1977 йилда Самарқанднинг Афросиёб ёдгорлигида ўтказилган қазималар вақтида эса VII-VIII асрларга оид шахмат доналари топилган.

Франциянинг “Le Figaro” нашрида эълон қилинган “Жаҳон тарихидаги буюк саркардалар. Амир Темур” сарлавҳали мақолада муаллиф Арно Блин қизиқ маълумотни келтиради. Унга кўра, Амир Темур нафақат давлат бошқарувида, балки шахмат ўйинида ҳам ўз стратегиясига эга моҳир ўйинчи бўлган. Буюк бобомиз муҳим масалаларни шахмат тахтаси атрофида ҳал қилган. Шахмат билан машғул бўлган пайтлари руҳий хиржамлик ва ишонччи ҳис этган, бўлажак тактик юришлари режаси ҳам шундай лаҳзаларда туғилган.

От ўрнини той босар

Марказий Осиёдан чиққан биринчи халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов хотираси ҳамон ёдимизда. Дарвоқе, Президентимизнинг қарори билан ўзбекистонлик афсонавий шахматчи хотирасига бағишланган халқаро турнир ҳам ўтказиладиган бўлди. Орадан йиллар ўтиб, Рустам Қосимжонов яна дунёни лол қолдирди. Бугун улар сафи Шамсиддин Воҳидов, Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев каби ёш ва умидли шахматчилар билан бўлиб борапти.

Бу сафни янада кенгайтириш, юртимизда шахматни оммалаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳузуридаги Халқаро шахмат академияси фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Академия ва унинг вилоятлардаги бўлинмаларида иқтидорли шахматчилар ўз билими, салоҳиятини ошириб борапти.

Тошкентнинг сокин гўшаси — Анҳорбўйи кўчасида жойлашган Халқаро шахмат академиясига иқтидорли ва шахмат ўйинига лаёқатли ўғил-қизлар имтиҳон асосида қабул қилинади. Академия мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланиб, вазифаси иқтидорли ёш шахматчиларни саралаб, уларни юқори савияда тайёрлашдан иборат.

Академиянинг вилоятлардаги ма-лакали мураббийлари худудлардаги



энг иқтидорли ёш шахматчиларни саралаб боради. Шунингдек, бошқа шахмат клублари, спорт ва умумтаълим мактаблари мураббийлари малакасини ошириш, қўлланмалар тайёрлаш каби ишларни йўлга қўйиш ҳам академия зиммасида. Бундан ташқари, дунёнинг етакчи шахматчилари иштирокида семинарлар, маҳорат дарслари ташкил этади.

Бу ерда ёш шахматчиларнинг психологик, маънавий-маърифий ҳамда жисмоний тайёргарлигига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Жамоавий, юқори сифатли ахборот технологиялари билан таъминланган ўқув-машғулот хоналари, спорт зали, ошхона, катта ва кичик ўйин заллари бор. Вилоятлардан келиб ўқув машғулотларига қатнашувчи шахматчи-ўқувчилар ҳамда халқаро турнирларда иштирок этувчилар учун 50 ўринли кенг, шинам меҳмонхона, кўкаламзорлаштирилган манзарали ҳудуд ҳамда 150 ўринли айвонда ёзги мусобақалар зали мавжуд. Бу ерда шахмат бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун шароитлар етарли.

Халқаро шахмат академияси машғулотларига қабул қилиш тартиби аъъанавий қабуллардан фарқ қилади. Одатда гуруҳларда муайян миқдордаги жойлар бўшаса, мураббийлар талаби билан қабул эълон қилинади.

Сабоҳат ЗАЙНИДДИНОВА, Халқаро шахмат академияси директори ўринбосари в.б., шахмат бўйича спорт усталигига номзод:

— Болаларнинг кўрсаткичлари пасайиб кетса, қутилган натижаларга эришолмасак, яъни иқтидорли болаларга

эқтиёж сезилса, ана шундай болаларни муассасамизга жалб этиш учун қабул жараёнидан бир ой аввал Шахмат федерацияси ва академия сайтида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида эълон берамиз.

Академияга шахмат бўйича бошланғич билимга эга бўлган — ёзишни ва шахмат нотациясини биладиган



болалар қабул қилинади. Агар бола иқтидорли бўлса, 5 ёшдан шугулланиш учун имконият берилади. Бу жараёнда, албатта, спортчининг разряди, билими муҳимдир. Имтиҳон икки йўналишда ташкил этилади. Биринчи босқичда болалар мусобақага жалб қилинади. Агар унда яхши кўрсаткичга эришса, яъни 50 фойздан юқори натижа қайд этса, тест синовларига рухсат берилади. Тестлар мураббийлар кенгашида текширилиб, тасдиқланади.

Мамлакатимиз миқёсидаги мусобақалар, Осиё ва жаҳон чемпионатлари ғолиблари ҳамда совриндорлари имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинади. Яна шундай болалар ҳам борки, улар чемпионатларда қатнашмаган, лекин иқтидорли: имконияти, салоҳияти 1-разрядга тортади. Сухбатда иқтидорини намойиш қилса, мураббийлар ишонч билдирса, уларга ҳам академияда ўқиш имтиёзи берилади.

Ўқув машғулот гуруҳлари бир йиллик, икки йиллик, уч йиллик, спорт ва камолотга эришиш, олий спорт маҳор



рати босқичларидан иборат бўлади. Ҳар бир гуруҳнинг ўз ўлкамаси бор. Ўқув-машқ 1-гуруҳидаги шахматчилар ҳафтада 12 соат шахмат билан шугулланиши керак. Машғулотлар умумтаълим мактаби дарсларига ҳалқит бермаган ҳолда ўтказилади. Бунда бир кунлик машғуллот давомийлиги 3-4 соатдан ошмаслиги муҳимдир. Жараёнда гуруҳлардаги болалар сони ҳам катта аҳамиятга эга. Шу кунгача гуруҳларга 12-14 бола жалб қилинган бўлса, янги қарорга мувофиқ, самарадорликка эришиш мақсадида 6-8 нафаргача болага рухсат этилади. Босқичма-босқич соатлар кўпаяди, болалар сони эса аксинча. Масалан, дастлабки бир-икки йилда битта гуруҳдаги машғулотларга 8 нафар, учинчи йилда 6 нафаргача бола қатнашади. Спорт ва камолот босқичида 4-6 нафаргача, олий спорт маҳорати машғулотларида 4 нафаргача болага рухсат этилади. Олий спорт маҳорати машғулотларида ҳафталик шугулланиш 32 соатни ташкил этади.

Бизда “Сен шунча йил ўқийсан, сенга мана бунақа диплом ёки сертификат берамиз”, деган ваъда эмас, ягона мақсад бор: энг юқори натижани қайд этиш. Бугун Шамсиддин Воҳидов, Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев сингари ўқувчиларимизни бутун дунё билди. Уларнинг юксак натижалари бизга гурур бағишлайди.

Президентимизнинг “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган, 6 ёшгача шахар ва вилоят босқичларида ғолибликка эришиб, мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритган болаларга ҳам академияда



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

ўқиб, нуфузли мусобақаларга тайёрланиш учун шароит яратилади.

Қувонарлиси, иқтидорли ўғил-қизларимиз кўп. Бир мисол: 2020 йил якунида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан “Янги йилга спорт билан!” широри остида оммавий спорт фестивали ташкил этилган эди. Унда шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни Халқаро шахмат академияси ўқувчиси Ҳумоюн Бекмуродов қўлга киритиб, “Spark” автомобили билан тақдирланди. 10 ёшли болакайнинг бу ютуғини эшитган борки, унга ҳавас қилди. Тўғри-да, бошланғич синф ёшида ўз салоҳияти билан машинали бўлиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этмайди. “Spark” Ҳумоюннинг илк ютуғи эмас. У ҳали 6 ёшидаёқ шахмат бўйича спорт усталигига номзод сифатида дунёдаги энг ёш спортчига айланган эди. 7 ёшида эса Руминиянинг Ясси шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида барча тенгдошларини мот қилган.

Шахматчи муваффақияти мураббийга ҳам боглиқ

Ёш шахматчиларнинг нуфузли мусобақаларда дона суриши ва ғалаба қозонишида мураббийлар салоҳияти алоҳида аҳамиятга эга. Боиси, иқтидорни шакллантириш мураббийлар ёндашувига боглиқ. Халқаро шахмат академиясида халқаро гроссмейстерлар Марат Жумаев, Сайдали Йўлдошев, халқаро спорт усталари Владимир Егин, Ольга Собирова, Элбек Алиқупов, Юлдуз Ҳамроқупова, ФИДЕ усталари Акмал Файзуллаев, Фахриддин Сатторов, Сирожиддин Зайниддинов, спорт устаси Гулрухсор Эсонбоева, спорт усталигига номзод, ФИДЕ арбитри Равил Вабсудудинов, спорт усталигига номзод Икром Ҳайдаров каби мураббийлар фаолият юритади. Улар гуруҳлардаги машғулот ва шахматчилар натижаси учун астойдил тер тўкади.

Ҳар бир мураббийнинг ўз тажрибасидан келиб чиқиб шахсий ёндашуви бор. Машғулотлар академия методик бўлими томонидан тузилган йиллик умумий режа асосида ўтказилади.

— Шахмат йўналишида ҳар бир бола алоҳида иқтидорга, ўз ўйин стратегиясига эгаллини инобатга олиб, индивидуал режа тузилади, — дейди С.Зайниддинова. — Бунда дебют (ўйин бошланиши), миттельшпиль (ўйин ўртаси), эндшпиль (ўйин охири) эътибор қаратилади. Бу, айниқса, олий спорт маҳорати гуруҳларида муҳим аҳамиятга эга. Йил давомида қандай натижа кўрсатилиши индивидуал тартибда белгилаб борилади.

Ўқув методик адабиётлар ва мавзулар ҳам ҳар бир ёш шахматчига алоҳида тайинланади. Чунки бир болани қийнаган мавзу бошқа тенгдоши учун содда бўлиши мумкин.

Вазир ўринбосари — шахмат устаси

Шахматнинг бошқа спорт турларидан фарқли жиҳати бор: ёш ва шароит танламайди. Касб ва лавозимдан қатъи назар, шахмат сеvimли машғулот сифатида ўйналаверади. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов, Озод Шарофиддинов, санъат арбоби Иброҳим Ғафуров, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, журналист Аҳмаджон Мелибоев каби маърифат даргаларининг адабий суҳбатлари

шахматсиз ўтмаслиги ҳақида ўқиганларимиз, устозлардан эшитганларимиз бор. Шахмат айна даврда ҳам устозлар даврасини файзиёб этмоқда. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шахмат барча учун бирдек сеvimли.



Баҳодир УМУРЗОҚОВ, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ўринбосари:

— Болалигимдан шахмат ҳамроҳим бўлиб келади. 6-7-синфларда ўқиб юрган кезларим шахмат қондалари билан танишиб, синфдошларим, тенгқурларим билан шахмат ўйнаб юрардик. Тошкентга ўқиш учун келгач, унга бўлган қизиқишим янада кучайиб, илмий-амалий асосларини ўргандим, кўп китоблар ўқиб, маҳоратимни оширдим. 1985 йили шахмат устаси унвонига сазовор бўлдим.

Шахмат инсонни интеллектуал етук қилиб тарбиялайди, ҳаётдан кўп яхши хулосалар чиқаришга ундайди. Дунёда ўйин кўп. Лекин улар ичида шахмат инсон фазилатларини шакллантирадиган, мия фаолиятини мукаммал ривожлантирадиган, шошма-шошарлик, пала-партишлик каби иллатларни йўқотадиган ўйин туридир.

Мен Халқаро шахмат федерациясига ёзма равишда “Шахматнинг ватани Ўзбекистон”, деган таклифни киритдим. Бу масала яқин келажақда қўриб чиқилади. Ишонамизки, Ўзбекистон шахмат ватани деган шарафли номга сазовор бўлади. Бунга асослар кўп. Жумладан, ҳинд тилида “шоҳ” сўзи йўқ. “Мот” сўзи ҳам бошқа тилда учрамайди. “Шоҳмот” — шохни берк қўчага киритиб қўйдим, дегани. Бу — соф ўзбекча сўз.

Биз таниқли шоиримиз, раҳматли Эркин Воҳидов билан бирга, “Афсона” шахмат клубини таъсис қилган эдик. Мана, 26 йилдирки, бу клуб мунтазам фаолият юритмоқда. Клубда машҳур шоирлар, олимлар, каттакатта лавозимдаги шахматчилар бор.

Шахмат иш фаолиятинизга ҳалақит бермайди, аксинча, самарадорликка ижобий таъсир кўрсатади. Дона суриш жараёни халқимизнинг “Етти ўлчаб, бир кес”, мақолига уйғун. Бунда куч ва қувват, ақл бирлашади. Яна бир томони, бу ўйин кўп харажат талаб қилмайди. Шахмат тахтаси ва доналари, жой бўлса кифоя.

“Афсуски, бугунгача бирорта ҳам соғлом шахматчини енга олмадим...”

Шахматни муҳим санавуҷилар мағлубиятга юзаки қарамайди, қўл силтаб қўя олмайди. Умидсиз вазиятларда ҳам ўйин сўнгига қадар курашган Александр Алёхин ютқазса, шохини тахтадан олиб хонанинг бурчагига улоқтириб юборар, сўнг ўйинни тарк этарди. Ўзига хос ҳужумлари билан шухрат қозонган Спилменнинг юзи мағлубиятдан ачқик нарса ютгандек буришиб кетарди. Эрнст Грюнфельд эса енгилганини

соатини тўхтатиб, “зулматга сингиб кетган бир араб” мисоли сассизлик билан намойиш этарди.

Тарихда бу каби мағлубият изтироблари кўп. Ғалаба қозонишни жуда исташларининг сабаби ҳам мағлубият изтиробини чекмаслик. Улар енгиллигига бир-биридан фарқли сабабларни кўрсатадики, эшитиб лолу ҳайрон бўласиз. Яъни мусобақаларда ўзи кўзлаган натижани қўлга кирита олмаган шахматчилар енгиллигини ажабтовур сабаблар билан енади: “Мен ғалаба қилардим, бироқ ҳаёл суриб қолганим учун нотўғри юрдим”, “Рақибим жуда узок ўйланди, натижада ўйин чегарасидан чиқиб кетдим” ёки “Ўша кун бошим оғриётган эди, ўйлай олмадим”.

Буюк инглиз шахматчиси Амос Берн бекорга айтмаган: Ҳар бир рақибим касал бўлгани учун ғалабани бой берганини айтади. Афсуски, бугунгача бирорта ҳам соғлом шахматчини енга олмадим”.

Шахматда мағлубиятга қарши бундай муносабатлар одатий ҳол. Боиси, шахмат чиндан ҳам шафқатсиз ўйин.

Жиддий қадамлар: Магнус Карлсенга муносиб рақиб

...Хуллас, Нодирбек опаси Баҳорага имкониятини бой берди. Табиатан кўнгли буш болакайнинг кўзларига ёш тўлди. Фазлиддин ака ўғлига таскин берди: “Харакат қил! Ғалаба қозон!”.

2014 йил май ойида Георгий Аъзамов хотира турнирида Нодирбек Абдусатторов 2 нафар халқаро гроссмейстерни мағлуб этди. Унинг ғалабасига ўн еттинчи жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов бундай таъриф берган эди: “Нодирбек 9 ёшида менинг 9 ёшимдагидан кўра, анча яхши ўйнапти”. Хорижлик экспертлар томонидан энг истиқболли порлоқ шахматчи сифатида қаралаётган Нодирбек Абдусатторовни испан нашрларидан бири “Магнус Карлсенга энг муносиб рақиб”, дея ёзди.

Нодирбек АБДУСАТТОРОВ, халқаро гроссмейстер:



— Шахмат чуқур фалсафага эга. Оқ ва қора. Ҳар бир шахмат фигурасининг ўз вазифаси бор. Оқларда ғалабани қўлга киритиш учун ҳамisha устунлик бўлади. Чунки юришини улар бошлайди. Шу маънода менга оқ доналарда ўйнаш ёқади.

2019 йили декабрь ойида Москва шаҳрида норвегиялик амалдаги жаҳон чемпиони Магнус Карлсен билан ўйнадик. Ғалаба қозониш ёки дуранг натижага эга бўлишни истадим, бироқ енгилсам ҳам бу катта мағлубият бўлмас эди. Биз дуранг натижани қайд этдик.

Шахмат — ҳаёт. Ҳаёт эса шахмат. Биз мана шу фалсафа атрофида турмушининг оқ-қора рангларини яшаб ўтамыз.

Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

МУРАББЙЛИК ВА МУҚАВВИЙЛИК БИЗГА БОБОМЕРОС



Буробия РАЖАБОВА, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Қахратон қишда қалин қор босган тоғ йўлида кўшини учун марлларча қор кураб йўл очган шох ва шоир Бобур, ўз талқини билан айтганда, мураббий ва муқаввийликни ўзига қасб қилган буюк сиймо эди. Унинг мухташам асари — “Бобурнома”да номи зикр этилган буюқлар тавсифида мазкур талқинга дуч келамиз.

Мураббийлик ва муқаввийлик тушунчаси замонавий истилоҳда қўлланмасида, давлатимиз олиб бораётган оқилона сиёсат, хусусан, илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳалардаги истеъдод эгалари камолотига қаратилган эътибор мисолида доим кўз ўнгимизда. Чунки бу сўзларнинг туб маъноси айнан ноёб иқтидор соҳибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, моддий-маънавий рағбатлантириш, салоҳиятини муносиб баҳолаш сингари мезонларни ўзида мукжасам этган. Бу иборалар мисолида бугунимизни ўтмишимиз билан қиёсласак, маърифат-парварлик, зиёлиларга ҳомилийк анъанаси кўп асрлардан буён қон-қонимизга сингиб кетганини тасаввур қиламиз.

“Бобурнома”да завқ, мароқ ҳамда шохона илтифот билан қўлланган ибора, яъни замонавий тилшунослик фани нуқтаи назари билан айтсак, тенг боғлашни сўз бирикмаси бўлган мураббий ва муқаввийлик ҳусусида ўз талқинимиз мавжуд.

Биринчидан, бу бирикма мемуар матнида ниҳоятда бой ижобий бўёқдорликни ифодалаган. Маълум маънода инновацион ғояларнинг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маънавий, фалсафий, ҳуқуқий, таълимий-тарбиявий йўналиш ва дидактик маъноларини, умуман, темурийлар Ренессансининг умумбашарий ғоя ва қадриятларини ҳам билдирган. Иккинчидан, муаллиф бу бирикмани мемуарда темурийлар Ўйғониш даврининг ҳукмдорлари, маликалари ва шу даврнинг етакчи давлат ҳамда дин арбоблари, даҳо сўз санъаткорлари, йирик мулкдорлари нисбатан сифатлаш тарзида қўллаган. Бу бирикма ўша даврда уларнинг моддий-маънавий соҳада олиб борган кенг миқёсلى бунёдкорлик фаолияти, услуби, юксак маънавий ва ноёб фазилатини, жумладан,



саховат ва ҳимматини, мурувват ва матонатини, маълум маънода сиёсий иродасини ҳам ифода этган. Айни пайтда рамзий маънода баён қилсак, қадимда саҳийлик, бағрикенглик, мурувват ва футувват ғояларини ҳам тарғиб қилган, ҳам амалда тенгсиз даражада кўрсатиб берган ва оқибатда шундай эзгу одат, таомилга асос солган Ҳотам Тойи, бармакийлар ҳамда ислом маърифати анъаналарини ўзида ифодалайди.

Бобур мураббий ва муқаввий бирикмасини илк марта мемуарда темурийлар Ўйғониш даврининг йирик мутасаввуфи Хожа Аҳрор валий фаолиятининг бир жиҳатини ёритишда санъаткорона қўллаган. “Бобурнома”нинг бошқа тарихий шахслар тасвири билан боғлиқ воқеалар баёнида эса Султон Хусайн Бойқаро, Хожа Яхё, Аҳмад Ҳожибек, Алишер Навоийга нисбатан тўғридан-тўғри қўллаган. Соҳибқирон Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Гавҳаршодбегим, Абдурахмон Жомий, устози Хожа Мавлоно Қози ва ўзига нисбатан ишора билан бу ҳақдаги ижтимоий фикр ва мурдаоларини батафсил ифодалашга ҳаракат қилган.


Энди мураббий ва муқаввий бирикмасини ташкил қилган сўзларнинг лугавий маънолари билан қизиқиш кўрсак. Луғатларда ёзилишича, мазкур сўзлар арабча бўлиб, мураббий сўзи ўзида “тарбиячи, устоз, муаллим”, муқаввий сўзи эса “куч берувчи, қувват берувчи; мадад берувчи” сингари маъноларни билдирар экан.

Бобур ўз мемуарида қўллаган даврдан ҳозирги кунгача англатиб келган лугавий маъносиди ҳам деярли ўзгариш бўлмаган. Аммо муқаввий шахс отига эса бундай изоҳ бериб бўлмайди. Сабаби, муқаввий шахс оти бугунги кунда архаик сўзга айланган ва лексикологияда эскирган сўзлар сифатида ўрганилади. Адабий тилимизнинг оғзаки ва ёзма шаклида деярли ишлатилмайди ҳамда сўзлашув, расмий, бадий, илмий сўзлурларда ҳам қўлланмайди. Мазкур сўз “Бобурнома” матнида, яъни муаллиф битган темурий Ўйғониш даврининг фаол фаолият олиб борган тарихий, ижтимоий шахсларнинг тасвирида, уларнинг юксак фазилатларини ёритиб, инсоний қиёфаларини кўрсатиб беришда ҳамда умумбашарий ва халқий инновацион ғояларни аниқ ифодалаш, тараннум этишда муаллифнинг ўзига хос тасвир баёнида ишлатилган. Яна шуни таъкидлаш зарурки, муқаввий сўзи асарда саховат, мурувват, бахшиш, инсоният сўзлари билан эквивалент сифатида қўлланган ўринлар бор.

Мемуар матнида мураббий ва муқаввий шаклида қўлланса-да, мураббий сўзининг маъно даражаси берилган маълумотда муқаввий сўзига нисбатан устунроқ бўлиши мумкин ёки маълумотда муқаввий сўзининг маъно даражаси эса мураббий сўзига нисбатан кенгроқ бўлиши ҳам мумкин. “Бобурнома”да бу фарқли ҳолатга мисол тариқасида темурийлар Ўйғониш даврининг йирик диний арбоби, Мовароуннахр ва Хуросондаги қўллаб йирик мулклар эгаси, темурий ҳукмдорларнинг давлат бошқаруви, хазинасининг қирим-қичими, мулку миллат ишларига диний раҳнамолик қилган, ўзига хос кучли таъсирга эга шайх Хожа Аҳрор валийнинг темурий ҳукмдор Султон Аҳмад мирзонинг салтанатни адолатли бошқариши, эътиқод ва ҳидоят, тарикат ва шариат йўлларида адашмаслиги, чекинмаслиги ҳамда руҳий камолоти учун мураббийлик, яъни тарбиячилик, раҳнамолик қилгани тўғрисидаги маълумотни келтириш мумкин.

Бобур мазкур маълумотда ҳар иккала шахс отларини бирдек, яъни тенг боғлаштириш бирикма шаклида қўллаган, бироқ тарихий лавҳада эса асосий маъно урғуси кўпроқ мураббий сўзига тушган. Хуллас, фикрларимизнинг исботи учун “Бобурнома”даги Султон Аҳмад мирзога бағишлаб битилган фикрнинг “Ахлок ва ашроф” фаслига муражаат қилсак: “Ханафий мазаҳаблик, покзада эътиқод киши эди, беш вақт намази тарк бўлмас эди. Ҳазрати Хожа Ўбайдуллога иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаллиф бор эди, алаҳқусус, Хожа мақлисида тизи бир-бир тизига ёвуқтаган эмастур. Бир нават Ҳазрати Хожа суҳбатиди бир хилофи одати оёғини ёвуқтаб ўлтурувтур. Мирзо қўпқондин сўнг Ҳазрати Хожа буюртурларким, Мирзо ўлтурғон ерни боққайлар, бир сўнгак бор экандур”.

Агар мазкур лавҳага диққат қилсак, Бобур Ҳазрати Хожига нисбатан муқаввий сўзини қўллашида ҳам ўзига яраша



сабаб бор бўлиб, Ҳазрати Хожанинг гоҳида ҳукмдорга, гоҳида давлат хазинасига қувват берувчи йирик сармоядор эканига ҳам ишора қилган. Умуман, бу каби жиҳатлар “Бобурнома”да яхши ёритилган. Масалан, мемуарда улуг амир Алишер Навоий ҳам Султон Хусайн Бойқаро хазинасидан улуш олмай, хазинага мадад берувчи муқаввий экани ишонар



Ханим Йўлдошев олган сурат.

ли битилган. Чунки Бобур ҳукмдорларнинг “ҳалл ва ақди”ини қил қилган подшо сифатида давлат хазинасига оид ҳолат, одат, русумни яхши билган ёки фавқуллода руй берган вазиятлар тўғрисида юзга келган иқтисодий тангликнинг ечимини топишда йирик мулкдорларнинг муқаввийлиги зарур бўлиб қолишини ҳам тушунган. Унинг ўзи ҳам ҳаётда бу каби воқеаларни бошидан ўтказган.

Мемуарда мураббий ва муқаввий бирикмаси Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекка нисбатан қўлланган маълумотда “Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввий эди”, деб фозил ҳоким ўзининг мураббий ва муқаввийлигини фақат Самарқандда Алишер Навоийга кўрсатгани айтилган, аммо асарда муаллиф уни темурийлар Ўйғониш даврининг мураббий ва муқаввий ҳокими сифатида ҳам таништирганини аққол сезиш мумкин.

“Бобурнома”да темурийлар Ўйғониш даврида Хуросон ҳукумати, мамлакат девониди ва молиявий ишлар ҳамда қадрлар бошқарувида Алишер Навоийнинг ижобий таъсири, унинг мураббий ва муқаввийлиги, тарбия ва тақвияти кабиларни шох ва шоир Бобур ҳайрат ҳамда шохона илтифот билан баён қилган. Бунда ҳар икки сўзнинг маъносиди ҳам ўзаро лугавий маъно тенглиги сақланганини билиш мумкин. Биз таҳлил ва талқинга тортган лавҳа баёнида Бобур Алишер Навоий зикри сабаб бошқа бирламчи манбаларда ҳам тилга олинган. Шу даврнинг муслика санъати хазинасига катта ҳисса қўшган Устоз Қўлмуҳаммад, Шайхий Нойи, Хусайн Удий каби санъат аҳли ҳамда темурийлар Ўйғониш даврининг рангтасвир санъатини юқори кўтарган, XV аср охири — XVI аср бошларида расмолликда бир неча мактабларнинг шаклланиши ва бу давр маданий ҳаётида миниатюра соҳасида яхши танилган Камалиддин Бехзод, Шох Музаффарнинг номи, уларнинг янги ижодий миниатюра йўналишига асос солиши, бебаҳо санъати борасида ҳам маълумотлар мавжуд: “Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлмай. Устоз Қўлмуҳаммад ва Шайхий Нойи ва Хусайн Удийким, созада саромад эдилар, бекнинг тарбияти ва тақвияти билди мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг сазй ва эҳтимоми билди мундоқ машхур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа мувафақ бўлмиш бўлмай”.

Муаллифнинг бу маълумотларидан аён бўладик, тасвир санъати, хусусан, миниатюра темурийлар Ренессанси даврида Алишер Навоий раҳбарлик қилган илмий ва маданий муҳит ҳамда унинг мураббий ва муқаввийлиги сабаб равнақ топган.

Бобур Хожа Аҳрор валий ҳамда Аҳмад Ҳожибекка нисбатан қўллаган мураббий ва муқаввий бирикмасини энди улуг амир Алишер Навоийга нисбатан ҳам ишлатган. Улуг аминнинг ҳам вақт ўтиб мураббий ва муқаввийликка тенгсиз даражада кўтарилганини “Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча, мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлмай” ёки “Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа мувафақ бўлмиш бўлмай”, деб чексиз ҳурмат, эътироф, ҳайрат билан қайд этган. Бу қимматли маълумотнинг баъзи исботи ва изоҳларини муаллиф “Бобурнома”нинг Хирот бўйлаб сайру саёҳати ва зиёрати акс этган қизиқарли лавҳада янада батафсил баён қилган.

Хуллас, Бобур мураббий ва муқаввий, тарбият ва тақвият бирикмаларини фақат ўз асарида тилга олган темурийлар

Ўйғониш даври вақилпарига нисбатан қўллаган. Бу ҳолат уларнинг яратувчанлик қобилиятига ҳамда моддий-маънавий соҳаларда амалга оширган бунёдкорлик, саховат, футувват, бахшиш харақтеридидаги ишлариго ишорадири. Яна шуни алоҳида қайд этиш кераки, Бобур бу бирикмани асарда илк марта Хожа Аҳрор валийга, кейин Аҳмад Ҳожибекка ва Алишер Навоийга нисбатан қўллаган. Қизиқиш шундаки, вақт ўтиб Бобурнинг ўзи ҳам атрофига турли илм, фан намоянадаларини, шоир, адиб, муаррихларни, умуман, “аҳли фазл ва аҳли хунарни” тўлаб, уларнинг илмий, ижодий ишларига мураббий ва муқаввийлик қилди. Унинг моддий ва маънавий соҳадаги бунёдкорлик фаолияти, мураббий ва муқаввийлик ишлари мамлакатимиз ва хорижлик бобуршунос олимлар томонидан алоҳида эътироф этилган ҳамда ўрганилган. Масалан, британиялик таниқли шарҳшунос, тарихчи Вильям Рашбрук Бобурни “Ун олтинчи асрнинг бунёдкори”, деб юксак баҳолаган ва олим Бобур ҳақида айнан шу ном билан “Ун олтинчи аср бунёдкори” номли иккитта асар ёзган. Бу асар Бобур номидаги халқаро жамоат фонднинг мураббий ва муқаввийлигида инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр қилинган ва илмий муомалага киритилган.

Бобур шох ва адиб сифатида ҳам мураббий ва муқаввийликнинг маърифатини жуда яхши тушунган, аммо уларнинг таъсирига тушиб қолишларини кўп ҳам ёқламаган. Ҳатто мемуарда ҳукмдорларнинг мураббий ва муқаввийлар қўлида “қўғирчоқ ҳукмдор” бўлиб қолиши мумкинлигидан ҳам огоҳлантирган.

Хулоса шуки, “Бобурнома” матнида муаллиф томонидан маҳорат билан қўлланган ҳар бир сўз, бирикма, ибора, гап каби тил бириклариди ҳам ўша давр ўзбек адабий тили қоидалари, хусусиятлари акс этган. Шу билан бирга, улар воситасида муаллиф халқ руҳи, миллий колорит, маданий муҳит, давр тараққиёти, Ренессанснинг улугвор ғояларини, згулиқ тушунчаларини ҳам талқин қилган. Бу фикр у маҳорат билан қўллаган мураббий ва муқаввий бирикмаларига ҳам тегишли. Бу бирикма мухташам мемуарда темурийлар Ўйғониш даврининг гениал шоири, улуг амираи, йирик мулкдори Алишер Навоийга нисбатан бир неча марта қўлланган бўлиб, ҳар бир ҳолатда унинг шахсиятидаги юксак нурилик нуқталарини кўрсатиб, англатиб турувчи лисоний ифода, деб баҳолаш мумкин.

“МИР АЛИШЕР НАВОЙИЙ ҲИРИЙДАН САМАРҚАНДА КЕЛГАН ФУРСАТЛАР...”

Суюн КАРИМОВ, СамДУ профессори

Улуг бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳаёти ва ижодининг Самарқандга боғлиқ жиҳатлари кўп замонлардан бери адабиётшунос олимлар диққатини торттиб келади.

Жумладан, академик Воҳид Абдуллаев ушбу мавзуга бағишлаб “Навоий Самарқандда” (Тошкент, “Фан”, 2002) номли асар ёзган. Унда Навоийнинг Самарқандга келишини ўзига хос воқеа сифатида таърифлайди. Чунки “сон-саноксиз шоирлар, олимлар, толиби илмлар, сайёҳларни бу ерининг фақат гўзал саҳну самоси, фаром обу хавосигина эмас, шунинг билан бирга, энг муҳими, бу ерда яратилиб, жаҳон маданияти ривожига хусн бўлиб қўшилган дурдоналар, турли вақт, турли хил шароитларда камолот касб этган илму урфон, назму наср, до-нишмандларча бунёд этилган фикру мулоҳазаларнинг бу ердаги ижодкорлари” қизиқтирган. Мулоҳаза давомиди юзга яқин самарқандлик олимлар, шоирлар ва ҳунарандларнинг рўйхати ифтихор тўғриси билан санаб ўтилади.

Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва ижоди ҳақидаги В.Абдуллаев тадқиқотларининг яна бир илмий қиммати шундаки, у шоирнинг Мовароуннахрга бир неча марта келганлигига ҳам гувоҳлик беради. Алишер Навоийни 1469 йилда Хусайн Бойқаро қақиртириб олади. “Орадан ўн йилдан кўпроқ ўтгандан сўнг, — деб ёзади олим, — Навоий давлат ишлари билан Самарқандга йўли тушиб, қадрдонларга меҳмон бўлди”.

“Бобурнома”да қўлланган -лар қўшимчаси ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди: “Мир Алишер Навоий Ҳирийдин Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек билди бўлур эди”.

В.Абдуллаев бу жиҳатларни объектив таҳлил қилади: “Албатта, Алишер Самарқандга келган пайтларида таниш-билиш, эл-уруғларнинг бўлмаслиги, ёлғизлиги, ҳамдамсизлиги ва манзил-маконсизлиги натижасида дастлабки вақтларда ҳар жиҳатдан қийналгани, шубҳасиздир”, дейди. Аммо Навоий кўл қовуштириб турмаганлигини, ёр-оғайин ортиришга, устозлар топишга ҳаракат қилганини, мадрасадан мадрасига “Илм мадорисида, уламо мажолисида, илм нуридин” баҳраманд бўлишга интиланганини таъкидлайди.

В.Абдуллаев Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти бирор бир олим ёки мударрис бўлиш учун ҳаракат қилган оддий ўқувчи-талабанинг ҳаётидан тамоман фарқ қилганлигини қайд этади. Шоирнинг давлат ва жамоат арбоби сифатида шаклланишида Самарқанднинг ўрнига оид қуйидаги мулоҳазалар ҳам қимматлидир: “Алишер Навоий Самарқанд олимлари, шоирлари муҳитида билим бойлиқларини ошириб, шоирликда шуҳрат қозонибгина қолимаган, шу билан бирга, у ўша даврдаги ҳаётнинг зиддиятлари шароитида ҳаёт мактабини ўтаб, қора гуруҳларга қарши бўлган илгор қишлар сафини мустақамлаш, мамлакатда тинчлик, ободонлиқни тиклаш ғоялари билан яшаган”.

“Навоий Самарқандда” асарининг мароқ билан ёзилган қисми “Алишер Навоийнинг Самарқанддаги адабий фаолияти”, деб ўйлаймиз. Ушбу қисмда XV асрда бу кутлуг масканда яшаб ижод этган ўнлаб шоирларнинг номларини зикр этиш баробарида уларнинг асарлари ҳақида сўз юритади ҳамда Навоийнинг улар билан ҳамсуҳбат бўлганлигини, ижодий давраларда фаол иштирок этганлигини, шеърлари билан яхши таниш эканлигини хикоя қилади: “Самарқанддаги адабий суҳбатларда Навоийнинг эътиборини ўзларига, айниқса, кўпроқ қаратган Мирзобек, Мирзо Хўжа Сўғдий, Харимий Қаландар, Риёзий Самарқандий, Саид Қутб Самарқандий, Юсуф Андиқоний, Юсуф Сафойи, Шайхим Суҳайлий каби шоирлар ҳам бор эди. Навоий мана шу шоирлар иштироки билан Фазлунлоҳ Абулайсий, Алои Шоший, Муҳаммад Олим Самарқандий, Хожа Хисрав мударрислик қилиб турган мадрасаларда, адабиётнинг турли назарий масалалари, шеър санъати, аруз баҳрлари устиди ва мактабдошларининг баъзи бир шеърлари муҳома қилинган суҳбатларда мунозараларда фаол иштирок этар эди”.

Султон Хусайн Бойқаро Хуросон салтанатига эга бўлган, Навоий Хиротга қайтиб кетишга тайёргарлик қўради. “Аммо, — деб ёзади В. Абдуллаев, — Шарқнинг маданий қўрки бўлган Самарқанд муҳитдан ажраллиб кетиш Алишер Навоий учун жуда оғир туюлади”.



В.Абдуллаевнинг Собир Абдулла қаламига мансуб “Бир матлаз ғазал тарихи” мақоласидаги фикрларини ривожлантириб ёзишча, орадан ўн йиллар ўтиб давлат ишлари билан яна Самарқандга келади, қадрдонлари билан суҳбатда бўлади.

Навоий ўзининг ҳаёти ва ижодида чуқур ўз қолдирган Самарқандни ҳеч қачон унутмади. Уни афсонавий жаннатга тенглаштириб, “Самарқанди фирдавсонанд”, деб атади. Шу муносабат билан В.Абдуллаев ўртага ташлаган фикрлар ҳам гоётада қимматлидир: “Хуросонда ўтказган кейинги умри давомида ҳам Алишер Навоий Мовароуннахр аҳолиси билан изчил муносабат тутди. Чунки Алишер Навоий учун аён эдики, унинг ёзган асарлари, биринчи навбатда, шоирнинг она тилисини яхшироқ тушунадиган аҳоли ўртасида шуҳрат қозониши ва издошлар топиши мумкин эди. Дарҳақиқат, Бобур тили билан айтганда, Навоийнинг “Анджон лаҳжасига рост (тўғри) келадиган” тил билан ёзган асарлари шу бизнинг она тупроғимизда — Самарқанд, Тошкент, Андижон, Хоразм, Бухоро — Мовароуннахрнинг бошқа кўп ерларида Хуросондан ҳам кўпроқ шуҳрат қозонган эди”.

Хулоса қилиш мумкинки, академик В.Абдуллаев томонидан Алишер Навоийнинг Самарқанддаги фаолиятини, бу ерда эришган илмий-бадий-маънавий камолотини ва бунинг натижасида Мовароуннахр ва Хуросон илм-фани, адабиёти ва санъати тараққиётига қўшган ҳиссасини тарихий ҳужжатларга ва чуқур илмий мушоҳадаларга таянган ҳолда академик В.Абдуллаев томонидан олиб борган ушбу тадқиқот ҳамда навоийшунослиги тарихида муҳим ўрин туттади ва Самарқанддаги XV аср адабий ва илмий муҳитини ўрганишда нодир манба бўлиб ҳисобланади.

Илмий жамоатчилик Самарқанд адабиётшунослик мактабининг шаклланишига утган асрнинг 60-йилларида бошланган ҳамда ҳисобланади. Зеро, бу йиллардан эътиборан Раҳим Муқимов ва Ботроҳон Валихўжаев, Нуриддин Шукуров ва Худайберди Дониёров, Ориф Икромов ва Сайдулла Мирзаев, Раҳмонкул Орибеков ва Қобилжон Тоҳиров каби забардаст олимлар илм майдонига кириб келган, уларнинг камол топишларида устоз Воҳид Абдуллаевнинг ҳизматлари алоҳида бўлган эди. У тарбиялаб вояга етказган шогирдларини эса республикаимизнинг деярли барча илм масканларида учратамиз.

Воҳид Абдуллаев асос солган Самарқанд адабиётшунослик мактаби бугун ҳам жадал ривожланишда. Бош мавзуси навоийшунослик бўлган ушбу мактабнинг фаолияти ишончли қўлларда. Муслиҳиддин Мухиддинов, Шўҳрат Сирожиiddин, Дилором Салоҳий сингари профессорлар ўз шогирдлари билан биргаликда мактабнинг узок йиллар давомида шаклланган анъаналарига содиқ қолиб, илмий-тадқиқот ва педагогик фаолият билан биргаликда улкан маънавий ва маърифий ишларни амалга ошираётганликларини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, мамлакатимизда шу кунларда атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий меросининг нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига муҳим ўрин тутганини ёшларга сингдириш борасида ушбу мактаб вақиллари кенг қўламдаги ишларни бажараётгани алоҳида таҳсинга лойиқдир.